БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 213 (3714)
19 СЕНТЯБРЬ 1978 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Меҳнат зафарларимиз—СССР Конституциясининг бир йиллигига

1979 ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИ КАЛЕНДАРИ БЎЙИЧА

БУГУН

Тошкент мебель ва ёғочни қайта ишлаш тажриба-техника заводи коллективи 1979 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади.

— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида келтирилган талаблар асосида аниқ тадбирларни ишлаб чиқиб, — дейди корхона директори В. Будько.— коллективимиз самарадорликни ошириш учун курашни янада кучайтириб юборди ва 1978 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Унинг асосий бандларидан бири СССР Конституцияси куни-га беш йиллигимиз уч йили планини адо этиш эди. Мана бугун бу муҳим марра мудлатидан илгари удаланди. Бу мебелсозларга йил охиригача беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига 800 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Бешинчи йилликнинг ўтган йиллари мобайнида корхона коллективи ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш борасида бир мунча сезиларли ишларни амалга оширди. Ўрта Осиёда биринчи марта мактаб ўқувчиларининг мебеллари учун металл каркаслар комплектлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу буюмлар ихтисослаштирилган махсус механика участкасида ишлаб чиқарилмоқда. Унинг қуввати йилига 120 минг комплектдан иборат.

Шунингдек, мутахассислар юмшоқ мебеллар учун поружинали блоклар тайёрлашни унификациялаш бўйича катта ишларни амалга оширдилар. Турли хил набордан иборат тўрт хил размердаги пружина ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Яна бир буюмни биринчи марта ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу пластмассадан ишланган қутилардир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўпгина инженерлар, мастерлар, меҳнат илғорлари муносиб ҳисса қўшишди. Катта мастер М. Қодиров, ишлаб чиқариш бошлиғи Л. Қозиев, катта инженер-конструктор А. Аракелян, инженер Л. Артюхова ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Слесарлар бригадаси бошлиғи Н. Пятаев ихтирочилик борасида ибратли ишларни амалга оширди. У раҳбарлик қилаётган коллектив қисқа вақт мобайнида ўқувчилар мебели ва металл каркаслари ишлаб чиқарадиган участкада ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирди, меҳнат унумдорлигини деярли икки баравар оширишга эришди. Бу ишда токарь А. Ильназаров, пружина блокларини йиғувчи Д. Қўчқоров ва бошқалар жонбозлик кўрсатишди. Ҳозир улар 1980-йил календари бўйича меҳнат қилишяпти.

Слесарь П. Скрябин ўзининг меҳнатга онгли ёндошиши билан ажралиб туради. Унинг ҳисобида ишлаб чиқаришга жорий этилган ўнлаб қимматли таклифлар бор. Улар ёғоч тахталардан рационал фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш ишлари олиб бориляпти. Коллектив олдига республика мебель корхоналарини пружина блоклари билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Шунингдек, корхонада поливинилхлорид ёндан тайёрланаётган пластмасса қутиларини ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. Бу қимматли ва бебаҳо бўлган ёғоч тахталарни қўллашни камайтиришга имкон беради.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Главташкентстрой» 3-қурилиш трести 5-қурилиш бошқармасининг Аброр Отахонов бошлиқ комплекс бригадаси Оҳангарон шоссесида 24 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилишида графикдан ўзган ҳолда меҳнат қиляпти.

БУГУН

БРИГАДА ОБЪЕКТДАГИ УМУМИЙ ҚУРИЛИШ ИШ-ЛАРИНИ МУДДАТИДАН УН КУН ИЛГАРИ ТУГАЛЛАДИ.

Бундай муваффақиятга беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кенг қулоч ёйдирилганлиги туфайли эришилди.

Шу кунларда объектда мазкур трестнинг 44-қурилиш бошқармаси жилонорлари сувоқчилик ишларини олиб боришяпти.

Бино шу йил охирига қадар фойдаланишга топширилади ва саноат техникаси жиҳозлари заводининг ишчи ва хизматчиларига туҳфа этилади.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Обод ва кўркам бўлмоқда

ЮКСАЛИШ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КУЙБИШЕВ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ О. С. РАСУЛОВ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХБИРИНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Куйбишев райони — бу ишчи ва қурувчи корхомасидаги райондир. Шу боисдан ижроия комитет раиси О. С. Расуловга берилган биринчи саволимиз саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг фаолиятига бағишланди.

— Омил Саидкаримович, район меҳнаткашлари СССР янги Конституциясининг бир йиллигини қандай ютуқлар билан кутиб олишяпти!

— Бу саволга рақамлар тили билан жавоб бериш мумкин. Район корхоналари саккиз ой мобайнида эришган айрим кўрсаткичларни айтиб ўтаман. Жумладан, лак-бўёқ заводи маҳсулот реализация қилиш планининг 100,9 процент, мармар заводи 113,1 процент қилиб бажарди. Экскаватор, трактор заводлари, «Союзхлопкомаш» бирлашмаси ва бошқа корхоналар ҳам муваффақиятли ишладилар. Районда ҳаммаси бўлиб, бир йилда 526 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Агар куйбишевликларда ўз эмблемалари бўлганида унда, албатта, минорали кран ҳам акс эттирилган бўларди. Чунки районимиз ғоят катта қурилиш майдонига айланган. Кейинги йиллар Тошкентда олиб борилаётган улкан қурилиш ишлари туфайли шаҳар кўринишн кўз ўнгимизда ўзгармоқда. Кўчалар равонлашиб, кенгайиб, чирой очмоқда. Натижада районимиз қайта ёшармоқда.

Айтиш мумкинки, бизда қурилиш миқёси ғоят катта. Тошкентда бунёд этилаётган иншоотларнинг деярли чорак қисми Куйбишев районига тўғри келади. Бу йил бутун шаҳарда 749 минг квадрат метр турар жой қурилса, районимизда 184 минг квадрат метр бўлади.

Яқиндагина район ҳаритасида Қорасув-1, Қорасув-2, Қорасув-3, Ташавтомаш-4 аҳоли массивлари пайдо бўлди. Ҳозир ҳам уларда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Тошкентликларга таниш бўлиб қолган ТТЗ-4 массивининг истиқболи ҳозирдан аён. Кўп вақт ўтмай ҳозирча лойиҳалардагина бўлган, ер майдонлари ажратилаётган Қорасув-4 ва Қорасув-5 массивлари қад кўтаради.

Фақат турар жой массивлари қурилиши билан чекланилмайди. Пушкин ва «Ўзбекистон 50 йиллиги» кўчалари яқинидаги район кварталларини реконструкция қилиш бошланди. Келажакда Максим Горький проспекти «Шастри» автостанциясидан «Ташсельмашга» давом эттирилади.

Корхоналар ҳам кўшармоқда. 26 завод ва фабриканинг кўпчилиги реконструкция қилинди. Ҳозир шундай иш Тошкент трактор заводида олиб борилаётган. Ҳозирги кунда завод бир ойда икки мингга яқин трактор ва уч мингдан ортиқ прицеп ишлаб чиқараётган бўлса, реконструкциядан кейин маҳсулот ишлаб чиқариш анча ортади. Шу жумладан, яқинда ўзлаштирилган янги МТЗ-80Х тракторлари ишлаб чиқарилади.

— Фан ва маданият, маориф ни ривожлантириш учун нималар қилиняпти. Болалар ҳақида қандай ғамхўрлик қилинмоқда!

— Шу йил тил ва адабиёт институти янги бинога кўчиб ўтади. Бинода ҳозир пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Пахта целлюлозаси химия ва технология институтининг янги биноси қурилмоқда.

Албатта, ёш авлод ҳамиша эътиборимизда. Кичкинтойлар учун мавжуд 53 болалар боғчаси қаторига бу йил яна икки боғча қўшилди. Уларнинг бири 320 ўринлик ТТЗ-4 массивида, иккинчиси 280 ўринлик Қорасув-1 массивида.

Бу йил районимизда тўртта янги мактаб очилди.

— Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этмоқда. Унинг бориши ҳақида тўлароқ гапириб берсангиз.

— Айтиш керакки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш бўйича бизнинг ва Октябрь районининг меҳнаткашлари ташаббус билан чиқишган. Уни Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети маъқуллади. Ташаббусни Тошкентнинг ҳамма жойларида қўллаб-қувватлашди. Чунки шаҳримизнинг янада чирой очишига ҳисса қўшиш ҳамма учун шарафлидир.

Икки ойликни ўтказиш бўйича штаб тузилган. Пойтахтни ободонлаштиришда районнинг 23 минг меҳнаткаши фаол қатнашмоқда. Улар анчагина ишларни амалга оширишди. 61 гектар майдон тозаланди, 20 километрлик ариқ ва зовурлар тартибга келтирилди, 2 минг квадрат метр йўл ва йўлкалар асфальтланди. Бу районни ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган катта ишнинг бошланиши холос.

Булардан мақсад инсон меҳнатини енгиллатиш, қувноқ дам олиши, мамнун яшаши учун барча шароитларни яратишдир.

Суҳбатни
Р. МУҲАММЕЗЯНОВ
олиб борди.



В. Б. Куйбишевга унинг номи билан аталувчи майдонда ўрнатилган ҳайкал.
В. Синягин фотоси.

Факт ва рақамлар

✦ Район аҳолиси 231,5 минг нишидан ортиқ.

✦ Районнинг умумий майдони 3 минг гектардан кўпроқ.

✦ Районда 26 саноат корхонаси, 20 илмий-тадқиқот институтлари бор.

✦ Бу ерда, шунингдек, 9 касалхона, 32 ўрта мактаб, 55 болалар боғчалари мавжуд.

✦ Район аҳолиси ўзларининг бўш вақтларини ўнлаб кинотеатр, маданият уйлари, клублар, кутубхоналарда ўтказадилар.

ҲАММА ҲАШАРГА

Куйбишев райони меҳнаткашлари республикамиз пойтахтида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаш икки ойлиги ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлишди. Шанбаликлар ва якшанбаликлар давомида ўн мингдаб дарахт ниҳоллари ўтказиш, янги хиёбон ва сайргоҳлар яратиш, турар-жойларни ободонлаштиришга қарор қилинган.

Икки ойлик кун сайин авж олдирилаётган шу кунларда ташаббускорлар қандай ишлашяпти?

Куйбишев райони корхоналари, ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларидан 20 мингдан ортиқ киши мунтазам равишда шанбалик ва якшанбаликларга чиқишмоқда. Икки ойлик бошланганидан бери ҳозиргача 20 километр ирригация тармоқлари тозаланди, 3 минг квадрат метр йўлка ва кўчалар асфальтланди, 2 мингдан ортиқ квадрат метрлик янги гулзорлар яратилди.

Булардан ташқари районнинг 61 гектар территорияси тозаланди, 2 минг квадрат метр майдон хиёбонларга айлантирилди.

Уз районларини ободонлаштириш ишларида «Ташкенткабель» заводи ва бошқа корхоналарнинг ишчилари фаол қатнашмоқдалар.



Максим Горький номли майдоннинг панорамаси.

В. Синягин фотоси.

ЁЗУВЧИ ВА ДЎСТ МАДҲИ

Узбекистон пойтахти жамоатчилиги таниқли ёзувчи ва кинодраматург Раҳмат Файзий туғилган кунининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигини кенг нишонлади.

18 сентябрь куни Муқимий номли театрда тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечани Узбекистон Ёзувчилар союзи правленесининг биринчи секретари К. Яшин очди.

Кечада Раҳмат Файзийга Меҳнат Қизил Байроқ ордени, шунингдек Узбекистон халқ ёзувчиси деган фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва кўкракка тақиладиган тегишли нишон топширилди. У совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан шу орден ва унвонга сазовор бўлди.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. И. Зоҳидов Раҳмат Файзийнинг ижоди тўғрисида доклад қилди. Қаламкаш биродарларининг Москва, Узбекистон, қардош республикалар маданият арбобларининг табрикларида, сўзга чиққан китобхонларнинг нутқларида, юбиляр номига ойнган кундан-кун адрес ва табрик телеграммаларида эзгу истаклар, янги муваффақиятлар, узоқ умр, инсоний бахт тилаган истаклар янгради.

Узбекистон санъат усталари юбилярга, кечанинг барча иштирокчиларига концерт туҳфа қилдилар.

[ЎзТАГ].

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 18 сентябрь куни Бокуга жўнаб кетди. У Озарбайжон пойтахтига Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда қатнашади.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов таклифига биноан ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри, армия генерали М. Дзур бошчилигидаги Чехословакия ҳарбий делегацияси расмий дўстона визит билан кеча Москвага келди.

● Учишни бошқариш маркази хабар қилади: одам бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-31» илмий-тадқиқот комплексининг орбитал учиши давом этмоқда. Кеча Владимир Ковалёнок билан Александр Иванченковнинг актив дам олиш куни бўлди. Космонавтлар атроф-муҳитни ўрганиш манфаатларини кўзлаб Ер юзасини ва жаҳон океани акваториясини визуал кузатмоқдалар, биологик экспериментлар программаси юзасидан ишларни бажармоқдалар.

Космонавтлар Владимир Ковалёнок ва Александр Иванченков ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.


● *Шаҳар—қишлоққа*

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАД

БУГУН

«Средазгидропроект» институти Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхозга 200 килограмм тунука жўнатди.

Лойиҳалаш институти коллективи совхоз билан оталиқ ёрдами кўрсатиш ҳақида шартнома тузган. Шу асосда чўлдаги хўжаликка йил бўйи ёрдам кўрсатилади. Ўтган ойларда икки ярим тонна металл, тўрт тонна цемент, битта газ пайвандлаш аппарати ва кран қишлоққа етказиб берилди. Бундан ташқари баҳорда институт ходимлари Мирзачўл районидаги хўжаликларида бўлиб, 250 тонна дағал хашак жамғариб беришди. Пигирмадан ортиқ киши ғўзани суғориш ва бегона ўтлардан тозалашда пахтакорларга кўмаклашди. Ҳозир институтнинг битта юк автомобили совхоз хизматини бажаряпти. Икки малакали слесарь ишидан механизаторлар мамнун бўлишмоқда.



СССР билан Франция ўртасидаги мунтазам ҳаво алоқаси бундан 20 йил муқаддам очилган эди. Ўтган давр мобайнида юз минглаб француз-лар СССРга келиб кетишди. Фақат 1977 йилнинг ўзида Москва—Париж — Москва маршрути бўйлаб юз мингга яқин йўловчи ташилди. «Эр-Франс» ҳаво лайнерлари Транссибирь ҳаво магистрали орқали Японияга парвоз қилаётган Европадаги биринчи авиакомпания бўлиб қолди. Йўловчиларга совет ИЛ—62, ТУ—154 ва Франция авиакомпанияси-нинг «Боинг—707», «Аэробус—300» каби замонавий самолётлари хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: француз «Аэробус—А—300» лайнери.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ ҚУРИЛИШИДА

«Пушкин» станциясида

(РЕПОРТАЖ)

«Ҳамид Олимжон» ва «Пушкин», «Ҳамза» ва «М. Горький». Пойтахтимиз метрополитенининг энг муҳташам ер ости қасрлари ана шундай улуғ адиблар номи билан аталган. Оташин шоир, инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода номли метро станцияси йўловчиларни бағрига олаётган бўлса, «Ҳамид Олимжон», «Пушкин», «М. Горький» станцияларини энди вужудга келмоқда. Қизиғи шундаки, Тошкент метроси иккинчи участкасини ташкил этувчи бу станциялар битта трассада ёнма-ён жойлашган. Шунга кўра ер ости йўлининг бу қисмини адиблар йўли, деб атасак ҳам бўлаверади. «Пушкин» станцияси эса «Ҳамид Олимжон» ва «М. Горький» станциялари оралиғида жойлашган бўлиб, у метронинг иккинчи навбатида алоҳида аҳамият касб этади.

...Серсоя хиёбон ёнидаги бетон тўсиклар билан ўралган улкан майдонда сариқ рангли баҳайбат метро кранн салобат тўкиб ишлаяпти. Пастда эса Тошкент метро қурилиш трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг азаматлари бўлғуси станциянинг деворларини тиклашмоқда. 300 метрдан ортиқ тик масофани ташкил этган улкан қотлованда бир нечта қисмдан иборат станция комплекси қурилияпти.

— «Пушкин» станцияси қурилишини эрталаб соат 8 дан ярим тунга қадар икки сменада ташкил этганмиз, —дейди участка бошлиғи Л. П. Полежаев. —Бу эса станция қурилишида ғоят мураккаб бунёдкорлик ишларини тезкорлик билан амалга ошириш имконини бермоқда.

Метро станцияси қасри ғоят мураккаб инженерлик иншооти бўлиб, у йўловчилар поездларига чиқиб тушадиган платформадан ташқари, вентиляция камералари, вестибюль ва поездларни ҳаракатлантирувчи электр алоқа системаси бинолари ҳам ўз ичига олади. Бу асосий ишлар, энг аввало, бутун станция замини бўйлаб қотлован очиш, баъзан жуда кўп миқдорда чиқадиган сизот сувларини насослар ёрдамида чиқариб туриш, кейинчалик ер ости бекатига сув ўтказмаслиги учун гидроизоляциялаш ишларини бажаришдан бошланади.

Ҳозир бу ерда Беккулов бошлиқ изоляциячилар бригадаси коллективи станция платформасида метро учун энг асосий ҳисобланган изоляция ишларини тезкорлик билан олиб боришяпти. А. Кузовкин бошлиқ проходкачилар, Н. Костенко бошлиқ слесарь-монтажчи л а р бригадалари коллективлари бажариб бўлинди, —дейди участка бошлиғи Л. Полежаев.

Тупроқ шароитининг мураккаблиги, ер тайёрлаш ишларининг чўзилиб кетганлигига қарамай, бу ерда иш фронти ҳозирлашга ва уни кенгайтиришга катта аҳамият бериляпти. Проходкачи Н. Петров, изоляциячи Алмакаева, электр-пайвандчи Н. Бурикин ва бошқалар смена топшириқларини бир ярим ҳиссага етказиб адо этишмоқда. Метросозларнинг асосий диққат эътибори ҳар бир машаққатли метрни, ҳар бир иш боскичини аниқ график асосида юксак сифатли қилиб бажаришга қаратилган.

...«Пушкин» станцияси да ҳаёт қайнаяпти. 13-кўприксозлик отрядининг бунёдкорлари ўш бу станция ёнидаги Салор канелидан метро йўлини эстакада орқали олиб ўтишмоқда. Станциянинг «М. Горький» ва «Ҳамид Олимжон» станциялари томонга кетган ер ости қисмида эса тунnель очиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида «Пушкин» станцияси ёнида Шастри номли автовокзалнинг оригинал кўфадаги янги биноси ҳам кад кўтаради ва у темир йўл бекати ҳамда ер ости станциясини боғловчи ўзига хос транспорт узелини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда пойтахтимиз метрополитенининг иккинчи участкаси трассаларида метросозлик ишлари ўзаро занжир шаклида, бир-бирига боғлиқ ва узлуксиз усулда олиб борилмоқда.

Шу йилнинг ўзида қурилиш ишлари бошлаб юборилади ган «Пахтакор» станцияси ва Авиасозлар шаҳарчаси метро йўли ҳам ана шу улкан бунёдкорлик ишларининг давоми бўлади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

телетайп лентасидан

◆ **ЛОНДОН.** Йоркшир кончиларидан 4.000 нишинг забастовкаси галаба билан тамом бўлди. Улар ўз ўртоқларининг маъмурият томонидан қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдирган з д и л а р. Маъмурият шахтёрларнинг кескин қаршилигига дуч келиб, ишдан бўшатилганларни қайтадан ишга олишга мажбур бўлди.

◆ **БОНН.** Баварияда 2.000 ишсиз ўқитувчи бор. Ваҳоланки, ана шу ўлкадаги гимназиялар, реал билим юртлари ва ҳунар мактабларида ўқитувчилар етишмаётганлиги натижасида ҳар ҳафтада мажбурий ўқув программаси бўйича 10.000 соат дарс ўтилмаётир. Ўлка маориф ва илмий муассасалар ходимлари касаба союз ташкилотининг раиси Г. Путцхаммер ана шу маълумотларни келтирди. У мамлакатда жами 10.000 дан зиёд ўқитувчи ишдан маҳрум этилган, деб таъкидлади.

◆ **ДЕҲЛИ. 1978—1979** молия йилининг дастлабки тўрт ойи мобайнида Ҳиндистон машинасозлик саноатининг маҳсулотини экспорт қилиш ўтган молия йилининг шу даврига нисбатан 18,7 процент ошириш имконини бермоқда.

Метро станцияси қасри ғоят мураккаб инженерлик иншооти бўлиб, у йўловчилар поездларига чиқиб тушадиган платформадан ташқари, вентиляция камералари, вестибюль ва поездларни ҳаракатлантирувчи электр алоқа системаси бинолари ҳам ўз ичига олади. Бу асосий ишлар, энг аввало, бутун станция замини бўйлаб қотлован очиш, баъзан жуда кўп миқдорда чиқадиган сизот сувларини насослар ёрдамида чиқариб туриш, кейинчалик ер ости бекатига сув ўтказмаслиги учун гидроизоляциялаш ишларини бажаришдан бошланади.

Ҳозир бу ерда Беккулов бошлиқ изоляциячилар бригадаси коллективи станция платформасида метро учун энг асосий ҳисобланган изоляция ишларини тезкорлик билан олиб боришяпти. А. Кузовкин бошлиқ проходкачилар, Н. Костенко бошлиқ слесарь-монтажчи л а р бригадалари коллективлари бажариб бўлинди, —дейди участка бошлиғи Л. Полежаев.

Тупроқ шароитининг мураккаблиги, ер тайёрлаш ишларининг чўзилиб кетганлигига қарамай, бу ерда иш фронти ҳозирлашга ва уни кенгайтиришга катта аҳамият бериляпти. Проходкачи Н. Петров, изоляциячи Алмакаева, электр-пайвандчи Н. Бурикин ва бошқалар смена топшириқларини бир ярим ҳиссага етказиб адо этишмоқда. Метросозларнинг асосий диққат эътибори ҳар бир машаққатли метрни, ҳар бир иш боскичини аниқ график асосида юксак сифатли қилиб бажаришга қаратилган.

...«Пушкин» станцияси да ҳаёт қайнаяпти. 13-кўприксозлик отрядининг бунёдкорлари ўш бу станция ёнидаги Салор канелидан метро йўлини эстакада орқали олиб ўтишмоқда. Станциянинг «М. Горький» ва «Ҳамид Олимжон» станциялари томонга кетган ер ости қисмида эса тунnель очиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида «Пушкин» станцияси ёнида Шастри номли автовокзалнинг оригинал кўфадаги янги биноси ҳам кад кўтаради ва у темир йўл бекати ҳамда ер ости станциясини боғловчи ўзига хос транспорт узелини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда пойтахтимиз метрополитенининг иккинчи участкаси трассаларида метросозлик ишлари ўзаро занжир шаклида, бир-бирига боғлиқ ва узлуксиз усулда олиб борилмоқда.

Шу йилнинг ўзида қурилиш ишлари бошлаб юборилади ган «Пахтакор» станцияси ва Авиасозлар шаҳарчаси метро йўли ҳам ана шу улкан бунёдкорлик ишларининг давоми бўлади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

◆ **ВЕНА.** Австрия Коммунистик партияси тинчлик ва қуролсизланиш учун, Америка ҳарбийларининг нейтрон бомба ишлаб чиқариш ва уни НАТОнинг Европадаги мамлакатларида жойлаштириш режаларига қарши сабот билан кураш олиб бормоқда, деди АКП Марказий Комитетининг аъзоси А. Раймунд.

Коммунистлар, деб уқтириб ўтди у, Австрия ҳукумати ана шу хатарли режаларга ўзининг қатъий рад жавобини бериш лозим деб ҳисоблайдилар.

◆ **БУЭНОС-АЙ Р Е С.** Уругвай аҳолисининг реал даромадларн нейинги беш йил ичида иккн баравардан зиёд кнс. қарди. Меҳнаткашлар миллий конвенти — мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмасининг информацион бюллетенида шу тўғрида хабар берилади. Бюллетенда бундай дейилган: ғоят камайтирнб ҳисобланган ҳам тирикчилик минимуми ишчининг ойлик иш ҳақидан бир ярим — нини баравар ортиқдир.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** АҚШ экономикасида кризисли ҳолатлар келгусида ҳам давом этади. Пенсильвания университети иқтисодий экспертлар группаси шундай хулосага келди.

Яқин бир ярим —икки йил ичида саноат ишлаб чиқаришн пасайиб боришн билан бир қаторда инфляция юксак даражага кўтарилади ва ишсизлик тез авж олиб кетади. Экономистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, инфляциянинг йиллик даражаси 7—8 процент кўтарилган.

(ТАСС).

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

Жанговарликни ошириб

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 98-тайёрлов цехи партия ташкилотининг секретари А. Иброҳимовнинг ҳисобот докладида коллективнинг ҳисобот даврида эришган кўпгина ютуқлари қайд этиб ўтилди.

Цех деярлик барча маҳсулотларни биринчи тақдимда топшириб келмоқда. Тайёрланаётган деталларнинг 98,2 процента завод Сифат бўлимидан қабул қилинган. Цехда 35 киши, уларнинг аксарияти коммунистлардан иборат, ўз шахсий тамғасига эга.

Цех «Коммунистик меҳнат коллективи» номини оқлаб келмоқда. Бу ерда ўнинчи бош йилликда меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш мажбуриятини олган машҳур фрезерчи Альбина Девятованинг 280 изодош меҳнат аттестация қилинган, 33 киши, уларнинг аксарияти коммунистлардан иборат, ўз шахсий тамғасига эга.

Цех «Коммунистик меҳнат коллективи» номини оқлаб келмоқда. Бу ерда ўнинчи бош йилликда меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш мажбуриятини олган машҳур фрезерчи Альбина Девятованинг 280 изодош меҳнат қилади. Олти нафар инженер-техник ходим, 31-цех разметкачиси, СССР Олий Совети депутати Татьяна Ляшконинг «Ишчи ташаббусига — инженерлик кафолати» ташаббусини қўллаб-қувватлаган. 17 группада ишчилар қолоқларсиз ишлаш учун кураш олиб боришяпти. С. Мўминов, А. Иброҳимов, Ю. Ситников, Н. Развляева бошлиқ группалар энг яхши коллективлар қаторида тилга олинди.

Аммо цех партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятига якун ясалар экан, докладчи ҳам, музокараларда сўзга чиққан коммунистлар ҳам мавжуд камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар. Буни қарангки, авиабирлашманинг цехлари ўртасидаги социалистик мусобақа якунларига кўра мазкур цех гоҳ пешқадамлар қаторидан ўрин олса, гоҳ қолоқлар қаторига тушиб қолар эди. Бунга сабаб нима? Коллективнв меҳнатига халқ истеъмоли товарлари бўйича буюртмалар бажариладиган участкалар, жумладан мастерлар Л. Коновалова ва Г. Баякова бошлиқ тикувчилик бўлими панд беришарди. Ана шу бўлимда меҳнат интизоми яхши эмас, ёш ишчилар тажрибали ветеранларга бириктириб қўйилмаган, уларнинг аксарияти етарли даражада касб маҳоратига эга эмас.

— Баъзан ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати ва техника бюросининг айби билан ҳам ишда камчиликлар рўй беради. Масалан материаллар ўз вақтида етказиб берилмайди, техника ҳужжатлари тайёр бўлмай қолади, натижада биз маҳсулотни бошқа цехларга белгиланган муддатда етказиб беролмаймиз,— деди ўз сўзида катта мастер А. Шелков.

— У ёки бу группадаги қолоқликка ишга тўсқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил этиш натижасидагина барҳам бериш мумкин,— деди катта мастер К. Еникеев.— Аслини олганда чи? Қолоқ участкалар борми, бор. Б. Овчинников группаси ҳаммага маълум. Ортда қолмоқда. Планнинг бажарилишига тўсқинлик қиляпти. Бунинг сабабини муҳокама қилиб кўрдикми? Улар-га ёрдам бердикми? Йўқ.

Цех партия бюросининг мажлисида ҳамма ташвишлантираётган ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўпгина масалалар ўртага қўйилди. Аммо қабул қилинган қарорлар кўп ҳолларда поёнига етказилмай қолиб кетади. Ҳисобот-сайлов йиғилишида цех маъмурияти фаолияти устидан партия назоратини кучайтиришга, коммунистларнинг ишлаб чиқаришнинг барча участкаларидаги авангардлик ролини янада оширишга қарор қилинди.

А. КАШАПОВ.

„Тошкент оқшоми" ва „Вечерний Ташкент"

НАЗОРАТ ПОСТИ

ИШГА ТУШИРИШ ОЛДИДАГИ ТАШВИШ

ТОШКЕНТ ОШХОНА МЕБЕЛЛАРИ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

Корхонанинг икки корпуси орасидаги майдонда кўтарма кран муаллақ турибди. Атрофда турли жиҳозлар солинган қутилар, «кераксиз» деталлар, конструкциялар...

— Кран қачон ишга туширилади? — дея сўрайди ташвишланиб қурувчилар.

— Тез орада,— деб ваъда беришади 980-созлаш ишлари бошқармасининг раҳбарлари.

Воқеа бундай бўлган эди. 980-созлаш бошқармаси раҳбарларининг ўз ишларига совуққон муносабатда бўлганликларидан фойдаланган қурувчилар кранни яхши ўрнатишмади. Мана кўп вақтдан буён кран ишга туширилмаяпти. Кранга эса муҳтожлик катта.

Ҳозир объектда шундай аҳвола пайдо бўлди. Агар бирор иш бажарилмай қолса, бунга 980-созлаш бошқармасини айбдор деб билишади.

Масалан, шу бошқарма ишчилари қозонхона ишини текшириш пайтида водопровод, газ ва иссиқлик тармоқлари кабелларини узиб қўйишибди. Улар йўл қўйган хатони бошқалар тузатишди. Агар бошқарма бошлиғи Иброҳимов монтажчи ва слесарларга нисбатан талабчанликни кучайтирганида, бундай ҳолга йўл қўйилмаган бўлар эди.

Қурилишда иш олиб бораётган ташкилотлар фаолиятига назар ташласак, ўндан зиёд ёрдамчи-пудратчи ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам сифатли ва белгиланган муддатларда иш бажаришяпти, деб бўлмайди. Буни объект белгиланган муддатда — Бинокорлар куни арафасида ишга туширилмаганлиги д а н ҳам билса бўлади. Янги график бўйича эса корхона сентябрь ойида ишга туширилиши лозим.

Завод аслида биринчи маҳсулотни беришга тайёр. Лекин бош пудратчи — «Ташпромстрой» трести 57-қурилиш-монтаж бошқармаси билан унинг ёрдамчи-пудратчи л а р и ўртасидаги келишмовчиликлар ташвиш уйғотади. Чунки режа асосида иш олиб борилмаётганлиги туфайли графиклар бузилмоқда. Кўп ишларни қайта-қайта бажаришга тўғри келяпти. Ишда ўзгариш бўлмаса, объектни сентябрь охирида топшириш амри-маҳол.

Яқинда ўтказилган планеркада бажарилмаган қуйидаги ишлар тилга олинган эди: Қозонхона синаб кўрилмаган. Ёнғинга қарши резервуарлар қурилиши битказилмаган. Агрегатлар станциясида ёритгичлар ўрнатилмаган. Контрол-ҳисоблаш приборлари ва автоматлари монтаж қилинмаган. Техника материаллари омборида кўтарма транспорт жиҳозлари монтажланмаган. Завод иккинчи корпусининг томи ёпилмаган...

Бу камчиликларнинг ҳаммасига қурувчи ва монтажчилар айбдор, дейиш инсофдан эмас. Қурилаётган корхона дирекцияси (директори Е. Колодко) базында қурувчилар ишга халал беряпти. Дирекция объектга электр ўчиргичлар, мебелларни вақтида келтириб бермаяпти.

Объектни фойдаланишга топшириш муддатлари яқинлашмоқда. Янги корхона ишга тушгач, бир йилда 123 минг мебель туркумлари ишлаб чиқаради. Келажакда у чиройли ва қулай мебеллар ишлаб чиқаришни янада оширади. Шаҳримиз ва республикамиз меҳнаткашлари янги корхона маҳсулотларини интиқлик билан кутишмоқда. Бу эса қурувчи ва монтажчилардан ҳамкорлик билан ишлашни, иш суръати ва сифатини кескин оширишни талаб этади.

В. ЭНКЕР.



Бир неча юз метр узунликдаги мана бу муҳташам бинони ҳамшаҳарларимиз яхши билишади. Ушбу турар жой биносининг биринчи қаватида йирик «Болалар дунёси» магазини жойлашган.

Н. Козинский фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ | МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ҚОЛОҚЛИКДАН— ИЛҒОРЛИККА

«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трести билан 1-Тошкент уйсозлик комбинати ва 2-Тошкент уйсозлик комбинати, «Ташинжстрой» трести билан «Ташпромстрой» трести ўртасидаги социалистик мусобақа

Беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун меҳнат беллашуви борган сари авж олмоқда. Социалистик мусобақада «Жилстрой» трести билан 1-уйсозлик комбинати пешқадамлик қилмоқда. Улар уй-жойлар қуриш топшириқларини муваффақиятли адо этишяпти.

«Жилстрой» трестида ўттан сакқиз ойликда Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Виктор Алексеевич Демидов бошлиқ бригада энг юқори кўрсаткичга эришиб, трест бригадалари ўртасида машъаллик қилди. Коллектив планда кўзда тутилган 781 минг сўмлик ўрнига 795 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Шу кунларда бу илғор коллектив «Марказ-26» кварталида 33-турар жой биносини бунёд этишда ҳам илғорлик қиляпти.

Монтаж бошқармаси бригадалари ўртасидаги беллашувда В. Петухов етакчилиги қилаётган монтажчилар бригадаси ҳам тез ва сифатли ишлаб ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. Бошқарма касаба союз комитети меҳнатда мусобақадош коллективлар ишини тез-тез муҳокама этиб пешқадамлар кўлга киритаётган тажрибаларни бошқа бригадаларда ёйишмоқда.

1-уйсозлик комбинати бригадалари ҳам меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Шуни айтиш керакки, комбинатда ўтган йилга нисбатан иш ҳажмини ўстириш топшириғи 1.9 марта ошди. Бу эса уй-жойлар қурилишини янада жадаллаштириш имконини берди. Комбинатнинг фақат 31-қурилиш бошқармасигина сакқиз ойлик бош пудрат ишлари планини уддалай олмади. Чунки бу бошқармада ёрдамчи пудратчилар яхши ишлашмади. «Ташсантехгазмонт а ж», «Узэлектромонт а ж», «Узпромвентилян и я» трестлари бошқарма объектларида 127 минг сўмлик маблағни ўзлаштиришмади.

2-уйсозлик комбинати йил бошидан бери бош пудратчи ва ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини бажара олмай келмоқда.


* * *

Ўзаро мусобақадош «Ташинжстрой» ва «Ташпромстроецстрой о й» трестлари ҳам сакқиз ойликда деярли бир хил кўрсаткичларни қўлга киритишди. Биринчи трест сакқиз ойлик планга қўшимча 900 минг сўмлик бош пудрат ишларини бажарди. «Ташинжстрой» трести социалистик мажбуриятларни ҳам шараф билан адо этяпти. Трестда Н. Злобиннинг бригада пудрати методи асосида ишлашга алоҳида эътибор бериляпти. Тўққиз бригада шу метод асосида иш олиб бормоқда. 10-қурилиш бошқармаси аввалгиларга нисбатан анча яхши ишлаб август ойи планини 101,4 процентга адо этди.

«Ташпромстроецстрой» трестида бошланган социалистик мусобақада «Термоизоляция» бошқармаси пешқадамлик қилмоқда. Бошқарма август ойида ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини 115.9 процентга, 5-қурилиш бошқармаси биринчи кварталда қолоқ эди. У илғорлар сафидан ўрин олди.

Беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этишга 2-қурилиш бошқармасининг В. Барсуков, 71-қурилиш бошқармасининг Т. Эсонбоев, 5-қурилиш бошқармасининг А. Азизов, 72-қурилиш бошқармасининг Ю. Хохлов бошлиқ бригадалари катта ҳисса қўшмоқдалар.

1978 йил январь— август ойи асосий кўрсатгичлари	Қурилиш трестлари: «Жилстрой»	1-уйсозлаш комбинати	2-уйсозлаш комбинати	«Ташинжстрой»	«Ташпромстроецстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)					
а) Бош пудрат бўйича	101,6	101,4	73,9	139,0	102,7
б) Ўз кучлари билан	104,2	101,1	85,3	104,0	101,2
Иш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)					
а) Бош пудрат бўйича	108,3	190,0	137,3	68,5	100,0
б) Ўз кучлари билан	108,5	124,4	101,2	99,3	99,1
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиши	102,7	103,0	87,1	96,0	100,0
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	110,9	17,0	100,8	101,2	106,7
Планни бажармаган бошқармалар сони					
а) Бош пудрат бўйича	—	1	2	—	1
б) Ўз кучлари билан	—	—	5	1	1
Уй-жойлар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	100,1	102,3	73,9	—	—
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	250,0	—	—	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	680,0	—	—	—	—
Маҳаллий Советларнинг объектлари қуриш планининг бажарилиши (процентларда)	93,4	109,0	73,4	100,0	100,1
Ишга бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	19	48	13	10	—
Ўртача баҳоси (балларда)	3,6	3,8	3,8	4,27	—
Бригада пудрати бўйича ишлаётган бригадалар сони	26	33	27	9	9



КЎЙБИШЕВ РАЙОНИ

ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛМОҚДА

Кўчанинг иккинчи ёшлиги

РЕПОРТАЖ

ТОШКЕНТнинг энг кўҳна кўчаларидан биридамиз. Лагерь тракти деб аталарди ҳозирги Пушкин кўчаси. Россияда 1899 йил буюк шоирнинг юз йиллиги нишонлангунга қадар. Ўша пайтда шаҳар ташқарисидаги бу йўлдан ҳарбий лагерларга боришарди. Унинг икки четига муҳташам уйлар қурилган бўлиб, уларда офицерлар, зиёлилар, савдогарлар, амалдорлар яшашарди. Шаҳар транспорти йўқлиги сабабли бу ерга араваларда ёки пиёда келишарди. Фақат 1901 йилда Пушкин кўчасидан дастлабки конка. 1913 йилда эса биринчи трамвай ўтди.

Пушкин кўчаси бугун шаҳримизнинг энг серқатнов ва шу билан бирга осойишта кўчаларидан бири. Сершовқин трамвайлар автобуслар ва троллейбуслар билан алмаштирилган.

...Кўчанинг бошланишида Тошкент метрополитенининг биринчи станцияси қурилган. Ер ости қасридан шаҳар транспорт бекатига чиққан йўловчиларнинг ҳиндистон дастлаб, сарвқомат «Узбекистон» меҳмонхонасига тушади. Кўчанинг иккинчи томонида Узбекистон ёзувчилар союзи ва «Шарқ юлдузи» журнали редакциясининг ҳамда республика ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг бинолари бор. Тротуарлар кенг ва кўкаламзорлаштирилган.

Тошкентга биринчи марта келган киши ҳам кўчанинг Биринчи Май кўчаси билан кесишган жойига келгач: «Бу ерда болалар магазини бўлса керак» дейиши турган гап. Чунки бу ерда оналарнинг кўлларидан ушлаб олган кўплаб кичкинтойларни кўриш мумкин. Дарҳақиқат, «Болалар дунёси» магазини — Ўрта Осиёдаги шу хилдаги энг йирик магазиндир. Унинг савдо майдони филиалларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 5318 квадрат метрдан иборат бўлиб, 83 секцияси бор. Магазин бир кунда 40 мингдан 70 мингтача харидорга хизмат кўрсатади.

«Болалар дунёси»дан кейин турар-жой кварталлари бошланади. Замонавий уйларда турли касб эгалари истиқомат қилишади. Кечки пайт бу ерда уйларнинг атрофларини тартибга келтираётган, дарахт соат ишлаб беришга қарор қилишган.

Магистралнинг Я. Колас кўчаси билан кесишган жойи девор билан тўсиб қўйилибди. Бу ерда метронинг иккинчи участкаси станцияларидан бири жадал қурилмоқда.

Бугунги Пушкин кўчаси ўтмишдагидан тубдан фарқ қилади. Замонавий кўп қаватли бинолар, янги боғлардаги анвоий гуллар, теп-текис йўл кўча ҳуснига ҳуси кўшиб турибди.

Пушкин кўчасининг ўтмиши ва ҳозирги кунига сафар қилар эканмиз, яқиндагина қурилган тўққиз қаватли бинони ҳам кўз олдимизга келтирамиз. Бу Новомосковский кўчаси кесишган жойладир. Бинода яшовчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Унинг биринчи қаватида аптека ишлаяпти.

Кўчанинг ниҳоясида буюк шоир номи билан аталувчи хиёбон бор. Пушкин ҳайкали пойидан гуллар аримайди. Шаҳарликлар ҳар куни янги-янги гуллар келтириб қўйишади.

А. УЛИЧКИН.

Машина парки тўлдирилмоқда

Узбекистондаги шолиқор хўжаликларининг машина парки йил бошидан буён «СКД-5Р» марказий юз ўн бешта комбайн билан тўлдирилди. Биробижан комбайн заводи бу машиналарни ана шу хўжаликларга графигидагидан бир ой илгари етказиб берди. Корхона шолиқорларнинг илтимосига биноан яқин кунлар ичида яна 20 комбайн жўнатади.

Ҳар битта машина ниҳоятдан кучли мотолиқалар билан жиҳозланган, набиналарни иситиш нўзда тутилган. Қўшимча ускуналар комплектида автомашиналарни чақириш учун чироқ ёрдамида сигнал берадиган қурилма бор.

(УзТАГ).



«Подъёмник» заводи 1-механика цехининг моҳир токари Л. Едунов ўз касбини пухта ўзлаштириб олган. Бой тажриба, юксак маҳорат унга смена-ойлик нормаларини 125—130 процент бажариш имконини бермоқда. Корхона ёшлари ветеран ишчидан намуна олишга ҳаракат қиладилар.

СУРАТДА: Л. ЕДУНОВ.

М. Нуриддинов фотоси.

Яхши анъаналаримиз

ВЕТЕРАНЛАРНИ ҚУТЛАБ

(РЕПОРТАЖ)

ТОШКЕНТ шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал майори И. Ғ. Сатторов кенг ҳонага ташриф буюрганларнинг ҳар бири билан самимий сўрашиб, уларни дастурхон атрофига ўтиришга таклиф этди.

— Бу ерга таклиф қилишимиздан мақсад — Сизларни кўриб ҳол-аҳвол сўраш, кўп йиллик самарали меҳнатларингизни партия ва ҳукуматимиз муносиб баҳолаб берган мукофот — «Меҳнат ветерани» медалини Сизларга топширишдан иборат,— деди табрик сўзида И. Ғ. Сатторов.

Бошқарма кадрлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори А. Абдуқаюмов СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшитиради.

Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал майори И. Ғ. Сатторов ветеранлар кўксига «Меҳнат ветерани» медалини тақиб қўяди. Бундай мукофотга бошқармада биринчи бўлиб П. А. Анисимов. П. Е. Аппилогов. Г. Б. Арсиян, В. И. Гурич, Х. Мирҳўжаев, М. Любимцева, И. М. Ретунский, Х. Зоҳидов, А. С. Ломовский, А. Нурмадиев, Р. Мақсудов каби милициянинг кекса ходимлари сазовор бўлишди.

Мукофотдан руҳланган ветеранлар партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ғамхўрлигига жавобан ўзларининг қалб сўзларини изҳор этдилар.

— Халқимиз ҳар ойиштаргини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш учун ўттиз йилдан ортиқроқ хизмат қилдим,— дейди шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноий қидирув бўлимининг собиқ оошлиғи, милиция майори Ҳайдар Мирҳўжаев. — Пенсияга чиққандан буён ҳам тинч яратувчилик меҳнати билан машғулман. Ўрним бўш қолгани йўқ. Ўғлим Мирҳосил шу бўлимда ишлаяпти. Яна бир ўғлим ўқишни тамомлаб шаҳар милициясига ишга киришга аҳд қилган.

Ҳа, халқимизнинг анъанаси ёу. Революция шон-шуҳратларини, шонли ички синфи. ота-боболаримиз анъаналарини давом эттириш ҳозирги ёш авлод учун муқаддасдир.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

Уй-жой фонди, жамоат бинолари—бойлигимиз

ҲОВЛИЛАР ФАЙЗЛИ БЎЛСИН

Кейинги пайтларда турар жой биноларидан фойдаланиш сифатини яхшилаш, уй-жойлар атрофини ободонлаштириш ва уларда аҳоли ҳордиқ чиқарадиган ҳамда болалар ўйнайдиган майдончаларни намунали тутишга эътибор берилмоқда.

Бу борада Чилонзор районидаги 1-уй-жойлардан фойдаланиш конторасининг коллективининг ишлари ибратлидир. Айниқса, ёш мавсуми бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли фарзандлари учун маъроқли ўтди. 10-уй ёнида болаларга совға этилган бассейнли спорт майдончаси, 21-уй ёнидаги устн ёпиқ теннис майдончаси, волейбол ўйнайдиган жой, болалар ўйнайдиган майдончалар, яхши безатилган ва жиҳозланган спорт майдончалари бутун ёз бўйи болалар ихтиёрида бўлди.

Ташкилотчи-педагог Ю. К. Пай бошчилигида ўтказилган спорт мусобақалари ва болалар ўйинлари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Гегарин кўчасида ўтказилган «Асфальтдаги суратлар» ўйини, ЖЭКдаги учта болалар волейбол командаси ўртасида ўтказилган мусобақалар аҳоли фарзандларида бой таассурот қолдирди.

— Квартелимизда истиқомат қилаётган болалар учун яна иккита спорт майдончаси қурамиз,— дейди ЖЭК бошлиғи В. Т. Башкиров.— Ҳозир эса ўқувчилар мактабдан уйга қайтганларида шўғулланадиган спорт ўйинлари учун катта қишки спорт зали жиҳозланмоқда. Айни пайтда турли болалар тўгаракларини ишлайдиган бино ҳам жиҳозланяпти.

Катта ёшдаги кишилар ҳам унутилаётгани йўқ. Улар учун ҳам турли тадбирлар, лекциялар, суҳбатлар уюштириляпти, 21-уйда кутубхона очилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси аҳоли турар жойларини янада файзли қилишга, ўз уй-жойларини доимо тоза ва кўркам тутишга уларда иштиёқ уйғотади.

Аммо райондаги барча уй-жойлардан фойдаланиш конторалари да ҳам бу борадаги ишлар яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Кўпинча бундай тадбирлар номигагина ўтказилаётганлиги кишини ажаблантиради. Масалан, 9-кварталда жойлашган 9-ЖЭК ишлари ана шундай таассурот уйғотади. Тўғрисини айтганда ёз бошланишида 38 ва 30-бинолар олдида болалар ўйнайдиган майдонлар, 30—31—37-уйлар оралиғида волейбол майдонлари жиҳозланди. Турли тадбирлар ўтказиладиган «Смена» клуби ташкил этилди. Аммо 35 дан ортиқ кўп қаватли бинолар жойлашган бутун бир квартал учун булар жуда оз.

Ушбу уй-жойлардан фойдаланиш конторасида қишга тайёргарлик ишлари ҳам пайсалга солиняпти. Ремонт ва тайёргарлик ишлари сусткашлик билан олиб бориляпти. Бу ЖЭК бошлиғи Р. Казакова, бош инженер М. Алимахсумов ва бошқа ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига жиддий масъулият билан қарамаётганликларини кўрсатади.

А. НИЁЗОВА.

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«Бетайин ҳайдовчи»

Газетанинг 28 июль сонида юқоридаги сарлавҳали материалда 3-таксопаркка қарашли такси шофёри М. Усмоновнинг таксидан фойдаланиш қоидасини бузгани, безориларча хатти-ҳаракати танқид қилинган эди.

«Главташпассавтотранс»дан хабар қилишишча,, шофёр М. Усмоновга қаттиқ виговор эълон қилинган. Бу бўйруқ таксопарк шоферлари орасида ишланган.

▲ Хат босилмади, аммо чора кўрилди.

СОВУҚҚОНЛИКЛАРИ УЧУН

Редакцияга келган хатлардан бирида «Октябрь» ресторанида ёзнинг иссиқ кунларида ҳам муздай ичимлик сув йўқлиги, зал совутилмаслиги танқид қилинган эди.

Тошкент ресторанлари трестидан олинган жавобда бундай дейилади: Ресторан буфетчиси П. Курмаевга ишга совуққонлик билан қараганлиги учун виговор эълон қилинди. Ресторан директори А. Эгамбердиев, зал мудирлари К. Эрлих ва С. Забелиналар огоҳлантирилдилар.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида «Октябрь» ресторанига иккита холодильник-шкаф ва залга ўрнатиш учун еттита кондиционер қурилма ажратилди.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

19 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ҒУЛОМОВ: Ҳурматли редакция! Саноат корхоналарида ишлаётган ишчилар ёки хизматчилар касал бўлиб қолган ҳолларда уларга қанча вақт нафақа берилади?

Жавоб: Бу ерда шуни айтиш керакки, агар ишчи ёки хизматчи касал бўлиб қолса, беморнинг даволаниши учун зарур вақтнинг ҳаммасига нафақа тўланади. Ходимнинг меҳнат қобилияти тиклангунча ёки бемор ВТЭК қарори билан инвалидликка чиққунча унга нафақа берилади. Касаллик туфайли бериладиган нафақа кўп деганда қаторасига икки ой ва календарь йилда кўп деганда уч ой тўланиши мумкин. Аммо ишлаётган инвалид меҳнат процессида бахтсизликка учраб ёки касбий касаллик сабабли меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган бўлса, нафақаси соғайгунча ёки янги касаллик учун инвалидликнинг бошқа группасига кўчирилгунча берилади.

* * *

С. ФАЙЗИЕВА: Шаҳримизда бухгалтерлар тайёрлайдиган курслар бор деб эшитдим. Иложи бўлса ана шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Гапингиз тўғри. Чиндан ҳам шаҳримизда бухгалтерлар тайёрлайдиган курслар бор. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ҳисоблаш хизматчилари тайёрлайдиган Тошкент область ўқув комбинати бўлиб бу ерда бухгалтерлар тайёрланади. Бу ўқув комбинати шаҳримизнинг Луначарское шоссесидаги 42-уйга жойлашган. Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 66-15-03 рақамли телефонга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

* * *

Ҳ. ҚУДРАТОВ: Мотороллерим бор эди. У яқинда бузилиб қолди. Айтингчи, шаҳримизда мотороллерни тузатадиган ремонт устахоналари борми?

Жавоб: «Узавтотехобслуживание» республика саноат бирлашмаси қошидаги автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган станцияларда мотороллерни ҳам ремонт қилдириш мумкин. Шундай станциялардан бири шаҳримизнинг Фрунзе райони территориясида жойлашган. Ремонт масаласида 53-33-83 телефони орқали маълумотлар олишингиз мумкин.

* * *

М. УМАРОВ: Ҳурматли редакция! Шаҳримизда ёш картингистлар мактаби борми? Шу ҳақда билишни истар эдим.


Жавоб: Шаҳримизда махсус картингистлар мактаби йўқ. Лекин Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ёш техниклар клуби» мунтазам равишда ишлаб турибди. Шу клубда жумладан картингистлар тўгараги бор. Бундан ташқари Урицкий кўчасидаги «Ёш техниклар» марказий станциясининг филиалида ҳам спортнинг картинг тури бўйича шуғулланиш мумкин.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Кеч соат ўнларда ишдан қайтгач, ўғлим Равшанга кўчада ўйнаб келишга рухсат бердим. Орадан бир неча минут ўтгач, шовқинни эшитиб уйдан кўчага чиқсам ўғлим Равшан йўлда ётибди...»

Равшаннинг отаси Тўлқин Абдуқосимов томонидан ёзилган ана шу тушунтириш хатига яна қуйидагиларни қўшиб қўйиш керак. 12 ёшли Равшан қоронғида велосипедда сайр этгиси келди. Йўл ҳаракатини билмаган бола Фаробий кўчасида бораётиб чап томонга бурилмоқчи бўлди. Шу пайт тўғридан келаётган К—175 маркали 76—97 ТШБ номерли мотоциклни ўтказиб юбормади. Тўқнашувда велосипед ҳайдовчиси ҳам, мотоцикл ҳайдовчиси Сайдали Саматов ҳам жароҳатланди.



КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛМОҚДА



Буюк пролетар ёзувчиси М. Горькийга унинг номи билан аталадиган майдонда ўрнатилган ҳайкал.

М. Нуриддинов фотоси.

Массив чирой очмоқда

Куйбишев районининг энг ёш массивларидан бири — «Ташавтомаш» кун сайин обод бўлмоқда. Ҳозир бу ерда 25 мингга яқин киши истиқомат қилади. 1980 йилга бориб массив аҳолиси деярли 30 минг кишига етади. Шу боисдан турар жойлар қуриш ишлари кенгайиб бормоқда. Жумладан, қурилаётган бир нечта 9 қаватли уйлар лойиҳачиларнинг фикрича районнинг кўрки бўлиб қолади. Уйларнинг олд томонлари шарқ услубидаги нақшлар билан безатилади, биринчи қаватларидан магазинлар, почта, телеграф, кутубхоналар жой олади.

Массивни ободонлаштиришда 43-ЖЭК коллективи катта тадбирларни амалга оширмоқда. Унинг ташаббуси билан мунтазам ўтказилаётган шанбаликларда трактор заводининг юзлаб ишчи ва хизматчилари қатнашмоқдалар. Улар мевали ва маизарали дарахтлар ўтқазиб, гулзорлар яратишяпти, болалар майдончаларини тартибга келтиришяпти.

Массив аҳолиси ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилинмоқда. Яқинда трамвай линияси «Ташавтомаш»ни шаҳар маркази билан боғлади. Орадан кўп йиллар ўтмай бу ерга метрополитен линияси ҳам етиб келади.

Д. КЛОЧКОВ.

АКАДЕМИКЛАР ШАҲАРЧАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳозир шаҳарчада Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг бинолари комплекси бунёд этилмоқда. Мазкур корпус олти қаватли инженерлик-лаборатория корпуси, уч қаватли умумий блок, совуқлик маркази ва бошқа бинолардан иборат бўлади. Ҳозир пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Биноларнинг ташқи деворлари плиталар билан қопланади, пештоқларга мармар ва гранитдан пардоз берилади. Корпус территориясида учта сузиш ҳавзасини бунёд этиш, дарахтлар, гуллар ўтқазиш мўлжалланмоқда.

Комплекснинг биринчи навбати шу йилнинг охирларида фойдаланишга топширилади.

Янги проспектда

Республика Фанлар академияси биоорганик химия институтининг олти қаватли лаборатория корпуси қурилиши якуловчи босқичга кирди. Ушбу бино М. Горький проспектида қад ростлади. 4-трест 38-қурилиш бошқармасининг коллективи ҳозир шу ерда корпус устини беркитиш билан шуғулланмоқда.



Насриддин МУҲАММАДИЕВ.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

«ТЕҲРОН ДАФТАРИ» ТУРКУМИДАН

НАСИМИЙНИНГ ДОР ОСТИДАГИ СЎЗИ

Мен — худоман,
Вужудим билмас
На ниҳоя ва на ибтидо.
Эзгуликдан қўлларим толмас,
Севги янглиғ бўлмасман адо.

Бемазмундир менсиз коинот,
Замин эса жозибасиз хок.
Ахир менман яратгувчи зот,
Нафасимдан олам бўлур пок.

Саҳроларга ташласам қадам,
Бўлур зумда тенги йўқ жаннат.
Жонланади совуқ тошлар ҳам,
Бахш айласам агар ҳарорат.

Бир ўт ёнар қалбимда мудом,
Гоҳ ловуллар, гоҳ милтирар жим.
Одамзодга кўнглим эрур ром,
Ҳақиқатдир танҳо маслагим.

Буюк дедим,
Дедим у оллоҳ,
Улуғладим инсонни ёлғиз.
Унутибман борлиғим, эвоҳ,
Юзи одам, замири иблис.

Қўлларимга солдилар нишон,
Жаллод кутар қатлимга фармон.
Атрофимда томошага шай,
Эрманталаб лоқайд оломон.

У барига боқар бепарво,
Унга фақат ўз жони керак.
Мақтасалар мақтайди бурро,
Сўйсалар ҳам чаладн чапак...

Фатво берар зоҳид ушбу дам,
Ёлғанинг айлайди такрор.
У билмагай недир ҳамру ғам,
Ва на ишидан эрур хабардор.

Ўз ишини бошлайди жаллод,
Юлдузлардай тирқирар қоним.
Вале чекмам зарра ҳам фарёд,
Улимдан зўр ахир имоним.

Умрим кечди жўшқин, ҳаёқу,
Инсон зотин юксакка чорлаб.
Қуёш каби қолурман мангу,
Абадият уфқида порлаб.

Мен — худоман,
Олам саркари,
Менинг учун ер—аршн аъло.
Руҳим учар келажак сари,
Замин каби билмасман фано.

12—14 май, 1978 й.

Теҳрон.

* * *

Юрагимда уйғонмоқда яна шеърият,
Ғошда унган майса янглиғ айни навбаҳор.
Туйғуларим раҳнамоси бўлган муҳаббат,
Бугун яна хаста дилга бағишлар мадор.

Кўзларимда умид ёққан сеҳрли зиё,
Гўё турфа наволарга йўғрилган олам.
Таранг тордай вужудимда бермоқда садо,
Бу дунёнинг дардлари ҳам,
шодликлари ҳам.

Ҳис этурман: нафас олар энтикиб замин,
Олис йўллар чарчоғини туйган сайёҳдай.
Кошки эди бир лаҳзага аритсам ғамин,
Ё ёритсам бахтга томон йўлин маёқдай...

Қалдирғочлар чарх уради кўкда шодумон,
Англагайман вижирида пинҳон бир маъно:
Сафарлардан она юртга қайтдик соғ-омон,
Бундан буюк саодатни билгаймн дунё?

Қуёш сари талпинади мовий майсазор,
Таъзим қилар саҳовати қошида тутош.
Бир гиёҳман мен ҳам ахир муштоқи баҳор,
Дил оташи—ишқ олдида эгажакман бош.

Шу оташдир вужудимни созга шайлаган,
Бу оламни кўзларимга кўрсатган хилқат.
Балки шу ўт—Прометей туҳфа айлаган,
Ҳудолардан ўғирланган илоҳий қудрат.

Аммо бордир турмуш деган беаёв кампир,
Афсун билан бу оташни ўчирмоқ бўлар.
Гоҳо ғавго ташвишли-ла этади асир,
Айтилмаган қўшиқларим бўғзимда қолар.

Рангларини йўқотади боғлиқ шу заҳот,
Ўз жисмимнинг хоҳишига чўнажакман тиз.
Ғўзалликни кўра билмас кўзларим, ҳайҳот,
Тонгда булбул сайрашини тингларман ҳиссиз.

Оҳ, азобдир яшамоқлик бедард, бетуйғу,
Отиламан тор қафасдан рўшнолик томон.
Киприкларим найзасидан йиқилар уйқу,
Томирларда яна оташ бошлар жараён.

Қалб тубидан сизиб чиқар жўшқин эҳтирос,
Қоялардан қуйилгувчи чашмадай шаффоф.
Руҳим яна юксакларга қилади парвоз,
Ҳаёт отлиқ фариштани этурман тавоф.

Юрагимда уйғонмоқда яна шеърият...

3—5 май, 1978 й.

Теҳрон шаҳри.

ЭЗГУЛИК

Дўстим М. МАҚСУДОВга

Бу дунёда бари ўткинчи,
Ҳаёт—дарё деганлари рост.
Бизнинг авлод балки мингинчи,
Шу дарёнинг бир мавжи холос.

Не замонлар кечди сарсари,
Не давронлар топдилар завол.
Кўп нўҳнадир тарих дафтари,
Қамрашга ҳам ожиздир хаёл.

Неча шоҳлар тўлиб паймони,
Ерга кирди қолдирмай нишон.
Ошиқларнинг мунгли достони,
Куйланади ва лекин ҳамон.

Жаҳонгирлар титратиб дунё,
Қололмади шуҳратда мангу.
Номи қолган тилларда аммо,
Ким боғ қилиб, очган бўлса сув.

Мовий рангли нўшку қасрлар,
Кўрган қанча соҳиб иқтидор.
Кечса ҳамки йиллар, асрлар,
Ёдланади тиклаган меъмор.

Тарих ҳукми одил доимо,
Улашади ижрочи ҳаёт:
Разолатга яраша жазо,
Эзгуликка лойиқ мукофот.

Навбат етар бир кун бизга ҳам,
Мангуликка кўчар умримиз.
Десалар бас у эди одам,
Энг олий шон шу эрур ёлғиз.

Эзгуликдан толмасин қўллар,
Муҳаббатсиз қолмасин юрак.
Қайга бизни элтмасин йўллар,
Инсон номин тутайлик юксак.

Оҳиз қолсин йиллар аскари,
Тиғ тортмоққа топмасин журъат.
Бу дунёда ўткинчи бари,
Мангу эрур эзгулик фақат.

8—10 июль, 1977 й.

Теҳрон.

* * *

Муҳаббат билурми ҳеч бир ниҳоя,
Унинг қудратига бормикин мезон?
Мурғак ҳисларимга бўлганди дор,
Вужудим ларзага солмоқда ҳамон.

Яна орзулардан ҳаприқар юрак,
Рангларга йўғрилган рангсиз бу дунё.
Ҳаловат нелигин билмасман андак,
Ун етти ёшлигим қайтгандай гўё.

Учрашсак ҳаяжон қамрайди ёлғиз,
Ўгринча оҳ чекиш,
пинҳон изтироб.
Гарчи сўзламоққа очмасмиз оғиз,
Нигоҳларимизда саволу жавоб.

Дардимиз ютмоққа сабримиз етар,
Фақат ошкор этар сиримиз гоҳо:
Унинг кўзларидан силқиган қадар,
Менинг юрагимдан ситилган нидо.

Афсуски, ишқимиз нозик ва рангпар,
Кеч кузда очилган ғунча мисоли,
Хазон бўлмай дея нурга интилар,
Яшнамоққа эса етмас мажоли.

Билурмиз, барчаси ширин бир тушдай,
Билурмиз, ўртада бурч деган девор.
Туйғулар қаноти қирқилган қушдай,
Фазога талпинар,
талпинар ночор.

Ва лекин демасман гуноҳкор қисмат,
Мангу ёнмоқ учун яралган башар.
Орзиқиш,
ёнишнинг ўзи ҳам ҳикмат,
Изтироб бор экан,
севги ҳам яшар.
Муҳаббат билурми ҳеч бир ниҳоя?..

* * *

Севгим!
Ташна ўтдим сенга бир умр,
Васлингга қонмадим ҳатто бир нафас.
Ширин азобингга мен мангу асир,
Сенсан қалбимдаги энг олий ҳавас.

Сени деб тунлари билмадим ором,
Мисраларга тўкдим кўнгил розини.
Вужудимни этиб сеҳринг билан ром,
Янгратган ўзингсан туйғу созини.

Неча бор тополдим ҳузурингга йўл,
Ваҳримга отилдим сарҳуш ва чанқоқ.
Ва лекин етишмоқ бўлди кўп мушкул,
Яқинлашган сарим сен кетдинг йироқ.

Чаманлар безаги — рангдор капалак —
Ортидан интилган гўдак мисоли,
Ғоҳида йиқилдим, лат еди юрак,
Аммо узолмадим сендан хаёлим.

Гўё сен рўёлар юртин неъмати,
Асрий эртакларда куйланган маъво.
Е Ҳумо қушисан ажиб хислатли,
Сенсиз бахт излашда борми ҳеч маъно?

То ҳаёт эканман боргум изма-из,
Бу йўлда барига чидашга шайман.
Билурман бир куни нурсатурсан юз,
Шу кун орзусида ёниб яшайман.

Гарчи ташнадирман сенга бир умр,
Чанқоқлиқ ҳиссини берганинг учун,
Доим олга чорлаб юрганинг учун,
Дилдаги ўт учун

минг бор ташаккур!

10—12 август, 1977 й.

Теҳрон.

РАЙОН АҲОЛИСИ УЧУН

Яна бир йирик озиқ-овқат магазини тез кунда Високовольт массивида истиқомат қилувчиларга ўз эшикларини очади. Магазинда ўз-ўзига хизмат қилиш йўлга қўйилади.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб, Куйбишев районида райпишчеторгнинг 109 савдо тармоқлари ишламоқда.

Улардан энг йириги — 75-магазин Луначарское марказида жойлашган.

Мириқиб дам оламиз

Оддий ва байрам кунлари, кундуз ва оқшомлари юзлаб тошкентликлар ҳордиқ чиқариш учун Тельман номли маданият ва истироҳат боғига келадилар.

СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг бир неча марта дипломини олишга сазовор бўлган Тельман номли боғ Совет Иттифоқи пайклари тарихида фахрли мукофотни қўлга киритган. Оталиқ ишлари учун 1976 ва 1977 йилларнинг якунларига кўра ВЦСПС ва СССР Маданият министрлигининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланган.

Куйбишев районининг донгдор кишилари, уруш ва меҳнат ветеранлари, социалистик мусобақа ғолиблари, таниқли артистлар ва спортчилар билан учрашувлар ўтказиш паркда яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда, айниқса, болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишади.

В. СИНЯГИН.

СУРАТДА: боққа келувчилар кўчма ҳайвонот боғини қизиқиб томоша қилишади. Айниқса, кичкинагина Уссури йўлбарси кишн диққатини ўзига тортади.

Автор фотоси.



ҚУЛАЙЛИКЛАР АДРЕСИ

Бундай адреслар Куйбишев районида 164 та. Маиший хизмат корхоналари район аҳолисига турли-туман қулайликлар яратмоқда, кўп хил хизмат турлари кўрсатмоқда. Замонавий пальто ёки кўйлак тикгириш учун 9 модалар ательесининг исталганига буюртма бериш мумкин. «Сервис» фирмасининг 14 пункти ижарага рўзғор буюмларини беради. «Химчистка»нинг 7 қабул пункти Сизнинг кийимларингизни тез ва сифатли қилиб тозалаб беради. Луначарское шоссесида эса йирик маиший хизмат кўрсатиш уйларидан бири жойлашган.

Луначарское марказида жойлашган икки қаватли Маиший хизмат уйи буюртмачиларга ўнлаб хизмат турлари кўрсатмоқда.

Янги турар жой массивлари — Қорасув-1 ва Қорасув-2 кун сайин ўсмоқда. Янги массивларнинг аҳолиси учун якка буюртмалар бўйича пойафзал тикиш цехи очилиш арафасида. Келгусида бу ерда маиший хизмат кўрсатиш уйлари очиш кўзда тутилган.

• *Бадиий ҳаваскорлик коллективларида*

Меҳнат кишиларини мадҳ этиб

1-уйсозлик комбинати маданият саройи ҳаваскор рассомларининг ишларини маданият Уйи фойесида, шаҳар ва қишлоқ клубларида ташкил этиладиган турли выставкаларда тез-тез кўриш мумкин. Ана шу ҳаваскор рассомларнинг бир қанчаси яқинда Москва шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ ҳаваскор рассомларнинг ижодий выставкасида ўз асарлари билан қатнашиб, томошабинларнинг юксак баҳосини олишга муяссар бўлишди.

Ҳозирги пайтда ҳаваскор мўйқалам соҳиблари учун айниқса ишлар қизғин. Улар Ленин комсомолининг шонли 60 йиллик юбилейига бағишланган экспозиция устида ишламоқдалар. Бу экспозицияларнинг қаҳрамонлари ҳар куни ўз иш ўрнини эгаллайдиган фидоий қаҳрамонлар —комбинатнинг илғор ишчилари, шаҳримиздаги корхона ва қурилишларнинг новаторларидир.

Бизнинг бугунги ёш замондошимиз, унинг бугунги куни, бой маънавий дунёси Гагарин номидаги тўқимачилар Маданият саройи ҳаваскор рассомлари учун асосий илҳом манбаи бўлмоқда. Улар ўзларининг замондошлари образларини ёркин бўёқларда акс эттиришмоқда. Бу маданият саройининг мўйқалам усталари ўзларининг янги асарларини Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейига бағишламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ҳаваскор рассомлар ўз асарларида замондошларимизни, ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган беш йиллик қаҳрамонларини мадҳ этмоқдалар.

Невадаги шаҳар атласи

А. А. Жданов номидаги университет олимлари тайёрлаган «Ленинград» деб аталган тарихий география атласда шаҳарнинг революцион ўтмиши, унинг қарор топиши босқичлари акс эттирилган. Атласни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Геодезия ва картография Бош бошқармаси нашр этган.

— Карталар, фотосуратлар, расмлар, схемалар. — дейди атласнинг бош редактори А. Г. Дуров, — илмий шарҳлар билан тўлдирилган. В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан, Питер пролетариатининг революцион чиқишлари билан боғлиқ жойларга алоҳида эътибор берилган. Алоҳида бўлим Улуғ Ватан уруши йилларига бағишланган.

МАРОҚЛИ ЎТДИ

Абдулла Ёрмуҳамедов номли 118-ўрта мактабда юқори синф ўқувчилари ва ота-оналар мштирокида ўзбек маърифатпарвари, таниқли педагог, шоир, драматург ва жамоат арбоби, профессор Абдулла Авлонийнинг 100 йиллик таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Учрашувга А. Авлонийнинг фарзанди, Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Ҳакима опа Авлоний, А. Авлонийнинг шогирдлари —республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Миржалил ота Каримов, Насриддин ота Хўжаев ҳамда «Миробод» маҳалласининг қариялари ташриф буюришди. А. Авлоний ўзининг янги усулдаги дастлабки мактабини шу маҳаллада ташкил этган эди. Ҳозир бу ердаги мактаб А. Авлонийнинг номи билан юритилади.

Тошкент Давлат университетининг доценти Бегали Қосимов А. Авлонийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Устозлари изидан борган Миржалил ота Каримов ва Насриддин Хўжаев А. Авлонийнинг янги авлодни тарбиялаш борасида қилган ишлари тўғрисида, унинг маърифатпарварлиги, халқчиллиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

С. МАМАЖОНОВ.

Жаҳон ойнаси

ЭЙЗЕНАХ КЕЛАЖАККА НАЗАР ТАШЛАМОҚДА

БЕРЛИН. Қадимий Эйзенах шаҳри ўсиб, яшариб бормоқда. Яқинда бу шаҳар ўзининг 800 йиллигини нишонлади. Бу ерда, Тюрингия тоғларида бир вақтлар ўрта аср ҳонандалари мусобақалашар эдилар. Буюк бах Эйзенахда туғилди ва Германиянинг дастлабки революцион ишчилар партияси шу ерда тузилди. Готик миноралар ва черковларнинг ҳушманзара кўриниши билан шу ерга яқин жойлашган автомобиль заводи тинч мослашиб кетмоқда. Бу завод «Вартбург» енгил машиналарини ишлаб чиқармоқда. Яқинда 12 минг кишига мўлжалланган янги уйжой ойлонидаги биноларга аҳоли кўчиб кира бошлади.

Шаҳар ободончилиги учун йил сайин 10 миллион марка сарфланмоқда.

АСТОЙДИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЯПТИ

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг меҳнаткашлари фидокорона меҳнатлари билан Халқ демократик партиянинг миллий экономикани юксалтириш ва халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш қилмоқдалар.

Афғонистонда халқ ҳокимияти ўрнатилганидан буён ўтган дастлабки тўрт ой мобайнида афғон шахтёрлари 67 минг тонна, яъни ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 18 минг тонна кўп кўмир қазиб чиқарган.

СССР ВЕНА ЯРМАРКАСИДА

ВЕНА. Вена Халқаро ярмаркасидаги совет павильонини Қизил байроқлар безаб турибди. Ярмарканинг марказида катта фотопанно бўлиб, унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Австрия федерал канцлери Б. Крайский амалий визит билан Москвага келган чоғида у билан бўлган учрашув тасвирланган.

Совет Иттифоқининг 25 та етакчи ташқи савдо бирлашмаси ярмаркага 3.000 экспонат келтирган.

Ярмаркада бўлиб ўтган матбуот конференцияси вақтида Совет — Австрия савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари муттасил ва барқарор ривожланаётганлиги қайд этиб ўтилди.

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

НЬЮ-ЙОРК. Совет Иттифоқининг таниқли маданият арбоблари билан бўлажак учрашув тўғрисидаги хабар Америка жамоатчилигини ғоят қизиқтирмоқда. Миннесота штати университетининг ташаббуси билан Миннеаполис шаҳрида келгуси ойнинг бошида совет маданияти фестивали очилади.

Малая Бронная даги театрнинг режиссёри А. Эфрос Миннеаполисга бориб «Гетрис театрида Н. Гоголнинг «Уйланиш» комедиясини сахналаштиришга киришди. Комедиянинг премьераси октябрь ойида ўтказилади. СССР халқ артисти Галина Уланованинг бу ерга келиши кутилмоқда.

7 октябрь куни университет шаҳарчасида «XIX асрнинг биринчи ярмида рус санъатия мавзуидаги виставка очилади. Эрмитаж, Рус музейи ва Давлат Третьяков галереясининг энг яхши асарлари экспозицияга кирган. Бу виставка Миннеаполис шаҳридан ташқари Америкаиинг бошқа шаҳарларида ҳам намойиш қилинади. (ТАСС).



Турк аёллари нарх-навонинг ошиб бориши ва инфляциянинг кучайишига қарши норозилик ҳаракатига тобора актив қўшилмоқдалар. Озиқ-овқат ҳамда кенг истеъмол товарларининг нархи тез ошиб боряпганлиги Стамбул меҳнаткаш хотин-қизларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Стамбул савдо палатасининг хабарларига қараганда шу йилнинг июль ойидаги нархлар 7,7 процентга ошган.

СУРАТДА: иш ташлаган Стамбул тўқимачиларининг пикети. ТХА—ТАСС фотоси.

3 Тошкент оқшоми

19 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

XV шаҳар спартакиадаси давом этмоқда

Бир қадам олға

XV шаҳар спартакиадаси штабидаги телефон тинмай жиринглаяпти. Бу ерга ўтказилган мусобақалар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг натижалари ҳақида хабар қилишмоқда. Судьялар, тренерлар, команда вакиллари ўз ҳисоботларини маълум қилишяпти. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, район комсомол комитетлари ташкилот ва муассасалардан ҳам жуда кўп кўнгироқ қилишяпти. Улар ўз вакилларининг натижалари қандай бўлганлигини билишмоқда.

— Бу шунчаки қизиқиш эмас, — дейди шаҳар спорт комитети раисининг ўринбосари А. Паршин,— балки ҳақиқий жон куйдиришдир. Чунки район командалари эришган натижалар кўп нарсани белгилайди. Аввалги спартакиадаларга нисбатан бу сафарги спартакиаданинг боришига партия ва совет органлари катта аҳамият беришяпти. Бу улар томонидан оммавий физкультура ишларини янада ривожлантириш учун кўрсатилаётган ғамхўрлик нишонасидир. Дарҳақиқат улар спорт базалари, стадионлар, спорт майдончалари, зал ва бассейнларни қуришга катта аҳамият беришяпти. Шу билан бирга спартакиадага бўлган қизиқишнинг катталиги шундаки, бу сафар районлар терма командаларига зачет очколар ёзилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам аввалги беллашувларда жамият командалари иштирок этишар эди. Бу эса физкультура ва спортни оммалаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнай олмасди. Айни пайтда у корхона ва ташкилотлардаги физкультура коллективларига спортни оммалаштиришда деярли кўмаклашмасди. Янги система эса резервларни тайёрлашга аҳамият билан ёндошиш, жойларда янги спорт секцияларини ташкил қилишни талаб қилди. Айни пайтда район терма командалари ҳам янги асосда ташкил қилина бошлади. Бу йил аввал бўлганидек, улар кўнгилли спорт жамиятлари вакилларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди. Шу боисдан ҳам уларга қатъий иш олиб бориш, завод, фабрика ва қурилишлардаги энг яхши спортчилардан терма команда тайёрлашга тўғри келди. Бу ўз навбатида физкультура ва спортни оммалаштиришда олдинга томон ташланган қадам бўлди.

...«Старт» стадионида бўлган Киров ва Ленин районларининг футбол бўйича терма командаларининг учрашувини 10 мингга яқин томошабин кўрди.

Ўйин тугаганлиги ҳақидаги ҳуштак чалинганида таблода 2:2 рақами порлаб турарди. Ғолибни аниқлаш учун ўн бир метрли белгидан тўп тепиш белгиланди. Бу вазифани Ленин районининг футболчилари яхши бажаришди. Улар дарвозага олти марта тўп йўллашди. Киров районининг футболчилари эса дарвозани беш марта нишонга олдилар холос. Шундай қилиб Ленин райони футболчилари XV Тошкент шаҳар спартакиадасининг чемпиони бўлишди. Учинчи ўринга Куйбишев районининг спортчилари кўтарилишди.

Волейболчиларнинг баҳси бўлиб ўтган «Меҳнат» спорт базаларидаги шиорлардан бирида шундай сўзлар ёзиб қўйилган: «Оммавийликдан — маҳорат сари». Волейболчиларнинг турнири спортчининг бу тури энг оммавий эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Аёллар ўртасида ўтказилган волейбол турнирида ҳал қилувчи учрашувда Куйбишев ва Ҳамза районларининг командалари майдонга чиқишди. Ҳамзалик волейболчилар дастлабки партияни ўз фойдаларига ҳал қилишди. Аммо Куйбишев районининг волейболчилари кейинги уч партияда ютуқни қўлга киритишди. Улар спартакиада ғолиби бўлишди. Учинчи ўринга Ленин районининг командаси кўтарилди.

Эркаклар командалари ўртасида бўлган финал учрашуви ҳам ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. Бу ерда Ленин ва Собир Раҳимов районининг вакиллари куч синашдилар. Ғолибни аниқлашга улар деярли икки соат вақт сарф қилишди. Учрашувда 3:2 ҳисобида ғолиб чиққан Собир Раҳимов районининг спортчиларига спартакиаданинг энг олий мукофотлари топширилди. Фахрий шоҳсупанинг учинчи погонасига Киров районининг командаси кўтарилди.

Баскетбол турнирида Ленин районининг эркаклар ва аёллар командалари спартакиада соврини учун асосий даъвогарлардан ҳисобланарди. Мусобақалар давомида бу район спортчилари ўз маҳоратларини намойиш қилишга муваффақ бўлишди. Финалда аёллар командаси Киров райони баскетболчиларини 68:44 ҳисобида енгишди. Учинчи ўринни Ҳамза районининг спортчилари қўлга киритдилар.

Эркаклар ўртасидаги бўлган баҳсда район баскетболчилари Собир Раҳимов районининг спортчилари билан куч синашдилар. Унда Ленин районининг вакиллари 83:61 ҳисобида ғолиб чиқишди. Октябрь районининг баскетболчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Теннис турнирига ҳам якун чиқарилди. Совринли ўринни олган командалар қуйидаги тартибда жойлашдилар: Ҳамза, Киров ва Собир Раҳимов районлари.

М. ОТАХОНОВ,
В. СТУЛИН.





XV шаҳар спартакиадаси оммавий физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришнинг ўзига хос кўригига айланди. Босқич мусобақаларида минглаб кишилар спорт билан дўстлашиш бахтига муяссар бўлишди. Финал ўйинларида эса жуда кўп талантли спортчилар аниқланди. Улар яхши натижаларни кўрсатишди.

СУРАТЛАРДА: спортчилар стол тенниси бўйича куч синашган «Старт» спорт клубининг зали ва шахматчилар орани очиқ қилган Горький номли маданият ва истироҳат боғи тасвирланган.

П. АЛЕКСАНДРОВ фотолари.

Уқувчилар спартакиадасида

◆ ҚИЛИЧБОЗЛИК

СОВРИНЛИ ЎРИНДА

«Ёшлик» спорт аренасида бўлган қиличбозлар мусобақаларининг охирида шпагачилар орани очиқ қилишди. Учрашувларда кутилмаган ҳодисалар жуда кўп бўлди. Жумладан, кучли ҳисобланган Москва, РСФСР, Ленинград, Украина командалари совринли ўринларни қўлга кирита олмадилар. Бу қиличбозлик барча иттифоқдош республикаларда ҳам ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб берди.

Куръага кўра республикамиз вакиллари биринчи учрашувни Арманистон командаси билан ўтказишди ва 5:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Кейинги учрашувда вакилларимиз анча маҳоратли Украина командаси билан беллашдилар. Ёш шпагачиларимиз бу учрашувда ҳам аҳиллик билан ҳаракат қилиб, 4:2 ҳисобида устун келдилар.

Кардош Қирғизистон командаси билан бўлган учрашувда ҳамюртларимизнинг омадлари келмади. Учрашув 3:5 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Бу команданинг аъзолари М. Павлов ва Ю. Лукьяновлар ҳозирда СССР ўсмирлар терма командасига номзод. Агар шпагачиларимиз бу учрашувни ўз фойдаларига ҳал қила олганларида финалда биринчи ва иккинчи ўринлар учун Грузия командаси билан учрашар эдилар.

Командамиз тренери О. Ротань хулоса қилиб шуни айтдики, агар командамиздаги учинчи қиличбознинг маҳорат даражаси А. Дзюбан ва А. Петренколарникидек бўлганда, шпагачилар финалга чиқган бўлар эдилар. А. Дзюбан учрашувларни чаққонлик ва маҳорат билан ўтказиб, ўн икки учрашувдан атиги бирини бой берди. Петренкодан ҳам хурсандмиз. Игорь Гормидор эса фақат икки учрашувда ютиб чиқиб, қолганларида енгилди.

Командамиз учинчи ўрин учун бўлган учрашувда Туркманистон командасини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шпагачиларнинг Львовда бўлиб ўтган спартакиадасида улар ўн биринчи ўринни олишган эди.

Ўзбекистон қиличбозлари терма командасининг катта тренери Е. Л. Пикман бу хусусда шундай деди:

— Очиғини айтиб қўя қолай, мен командадан бундай натижаларни кутмаган эдим. Умумий команда ҳисобида ўн иккинчи ўринни мўлжаллаган эдик. Чунки қиличбозлар аввалги спартакиада қатнашчиларига қараганда бўшроқ эдилар. Львовда умумий команда ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллашган эди. Бу сафар бир поғона юқори кўтарилишди. Шпагачиларнинг команда ҳисобида бронза медалини қўлга киритиши, бу ўзбек қиличбозлиги тарихида биринчи қувончли ҳодисадир.

Рапирачи И. Рихтер, шамширчи С. Петренко, И. Голубов ва шпагачи А. Дзюбанлар команда мувафақиятига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Мусобақа қирғиз шпагачиларининг ғалабаси билан тугади.

Қиличбозликнинг барча турлари бўйича ўтказилган команда биринчилигида Москва қиличбозлари ғолиб чиқишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни РСФСР ва Ленинград командалари эгаллашди.

Р. УМАРОВ.

▲ АКРОБАТИКА

ЯХШИ БОШЛАШДИ

Уқувчиларнинг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси программасига киритилган спорт турлари бўйича ғолибларни аниқлаш давом этмоқда. Маълумки, қиличбозлар, боксчилар, сузувчилар, сувга сакровчилар шахсий ва команда ҳисобида орани очиқ қилиб бўлишди. Дастлабки натижалар тренер ва спортчиларга команда мувaффақиятини таъминлаш учун нима қилиш кераклигини аниқлаб олишга ёрдам бермоқда.

Буни «Ёшлик» спорт аренасида акробатчилар ўртасида бўлган беллашувлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Баҳсларни қизлар бошлаб беришди. Клара Усмонова, Лилия Аҳмедзянова, Елена Овсянниковалардан иборат составда гиламга чиққан республикамиз вакиллари мураккаб машқларни маҳорат билан бажаришди. Қизларимиз 18,06 балл тўплашга эришдилар. Бу беллашувлар пайтида кўрсатилган тўртинчи натижа бўлди.

Эркаклар орасидаги жуфт бўлиб машқ бажаришда республикамиз шарафини Ботир Мақсудов ва Ваҳоб Хотамовлар ҳимоя қилишди. Бу ерда жуда кўп маҳоратли спортчилар тўпланишган эди. Шунинг учун ҳам республикамиз вакиллари кўрсатган тўртинчи натижани яхши деб баҳолаш мумкин.

Спорт мастерлари бўлган аёллар мусобақасида ҳамюртларимиз Елена Авдокушина ва Наталья Халдеевалар мактовга сазовор иш қилишди. Улар нисбатан кучли ҳисобланган РСФСР ва Ленинград спортчиларини ортда қолдириб, иккинчи ўринни эгалладилар.

Дастлабки куни бўлган босқич мусобақаларидан сўнг республикамиз акробатлари умумий ҳисобда тўртинчи ўринни эгаллашди. Агар акробатика сакраш баҳсида қатнашган спортчиларимиз сусткашлик кўрсатишмаганида акробатларимиз совринли ўринга чиқишлари мумкин эди. Бу нарсани амалга ошириш мумкин. Ҳали беллашувлар бўлади.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Оламнинг яратилиши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IX да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IX да **Чандиқлар**, 20/IX да **Чандиқлар.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ — ДЎСТЛАР ДУНЁСИ» АТТРАКЦИОНИ (ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Тихонов).

КИНО

19 СЕНТЯБРДА

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Санъат саройи.**

«САЛОМАТЛИК ВА ДИН» — **Нукус.**

«ОКТЯБРЬ СЎЗЛАНДИ» — **Янги-обод.**

«МЕҲРИБОН КИШИЛАР» — **Кўнғирот.**

«УЙДАГИЛАРГА ЁРДАМ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«БОЛТИҚБЎЙИ ЎРМОНЛАРИДА» — **Фестиваль.**

«РАССОМ АРКАДИЙ ПЛАТОВ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҚАЕРДАСАН, ЗУЛФИЯМ?» — **Янгиобод, Ғ. Ғулом номли.**

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — **Санъат саройи** (катта зал).

«ЮЛИЯ ВРЕВСКАЯ» — **Москва, Восток, Нукус.**

«ҒАЛАТИ АЁЛ» — **Санъат саройи** (кичик зал).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.



ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



Қурилиш Министрлигининг «Тракторстрой» трести базасидаги

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр пайвандчилар-арматурачи, бўёқчи, мозаика-плиткачи, паркетчи, сувоқчи, дурадгор, ғишт терувчи-монтажчилар, темир-бетон конструкцияси монтажчилари.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги, 8—10 синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар база корхонаси қурилишига ишга юборилади.

Билим юртини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг учдан бири билан таъминланадилар. 10 синфни битирганлар 30 сўмдан стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат 3х4 см.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Багратион кўчаси, 4-уй (17, 73-автобусларнинг «12-турар жой шаҳарчаси», 22-трамвайнинг «Шимолий-Шарқ массиви» бекати.

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи қошидаги

155-ЎРТА МАХСУС ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:

Узоқ манзилларга юрувчи пассажир вагонлари учун проводниклар. Ёши 17 яримга тўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Етоқхона билан таъминланмайдилар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисослик бўйича 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади. машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисми бўйича слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, совутиш ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар. Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни иттифоқимизнинг барча пунктларига текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат мактабдан характеристика справкалар, медицина, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, 8 та фотосурат (3х4 см).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

«ЭКЗОТИК ҲАЙВОНЛАР»

ЯНГИ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ ЦИРК АРЕНАСИДА БИРИНЧИ МАРТА

АМЕРИКА БИЗОНИ

Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВИТАЛИЙ ТИХОНОВ.

АНАТОЛИЙ СТОЙКОВНИНГ АФРИКА БЎҒМА ИЛОНИ БИЛАН ОЛИШУВИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справка олиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.40 «Етилган бошоқлар палласи». 1978 йилги йиғим-терим мавсумида Оренбург ёшларининг меҳнати ҳақида. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Хотиралар кечаси». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Г. Березко. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Останкино концерт студиясида Ю. Друнина шеърияти кечаси. 23.15 Г. Веревка номли ҳизмат кўрсатган Украина Давлат академик халқ хорининг концерти. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Юлдузча». 18.30 «Асса». Телевизион фильм-концерт. 18.45 «Сифат ва самарадорлик — дикқат марказида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино ҳақида суҳбатлашамиз» (рус.). 20.10 Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси. Сув полоси. Ўзбекистон — РСФСР (Ленинград). Митрофанов номли Сув спорти саройидан олиб кўрсатилади. (18 сентябрь куни ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ишлар қуйлаганда». А. Акбарова, Ф. Хидиров. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Конвер Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

20 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. 10.25 Г. Березко. «Хотиралар кечаси». Телевизион спектакль. 11.55 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.55 «Жаҳон халқларининг ижоди». 15.30 «Экран» ижодий уюшмаси телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Москва комсомолининг ишлари». 16.30 «Звёздочёт». Телевизион журнал. 17.15 Концерт. 17.30 «Фан оламида». 18.00 «Горичлар, қарлар, ёрлақлар!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 «1978 йил ҳосили учун». 19.15 Спорт программаси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Росита Форнес куйлайди (Куба). 22.30 Футбол бўйича Европа чемпионати. СССР — ГРЕЦИЯ терма командалари. Ереванда олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Малишок». 18.30 «Анъаналарнинг туғилиши». Бухоро ип-газламалар комбинати ҳақида телеочерк. 18.45 «Ҳаёт каби тирик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбекистон санъат усталари» Саодат Қобулова. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Оғахий номли Хоразм область мусиқали драма ва комедия театрининг солистлари Г. Матёқубова ва Б. Отажонов концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвачилик — зардоб фронт» 22.15 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм (рус.). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов район ҳалқ маориф бўлими район маориф ходимларининг касаба союз комитети 19-болалар боғчаси мудираси **Тўхтасин АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов район ҳалқ маориф бўлими ҳамда 123-мактаб коллективи шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси **Мамлакат БОБОЖОНОВА**нинг вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
19 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000: ГСП Тошкент Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-56-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва оилий ўқув юртлари — 32-57-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-56-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-80-50.

Р — 13179

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д — 1410.